



1913-yil aprel oyidan chiqqan boshlagan

Fidoyilik — vatanga xizmat demak!

2022-yil 20-yanvar, payshanba, 7 (23.574)-son

КУН ҲИҚМАТИ

Ҳар қандай камчилик, ёмон одат ўз вақтида баҳосини (жазосини) олмаса, албатта, кўникмага айланади

«Сиз ЮНЕСКОнинг ҳимоя ҳудудида турибсиз»

Самарқанд шаҳрида ана шу ёзув акс этган харита кўрсаткичлар ўрнатилди

Самарқанднинг тарихий маркази ва унга алоқадор ёдгорликлар 2001 йилда "Маданиятлар чорраҳаси" номи билан ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Ушбу ҳудудлар инсоният бойлиги сифатида асраб-авайланади. Бу тарихий ёдгорлик ва иншоотлардан фойдаланиш, таъмирлаш ва реставрация ишларини олиб бориш юзасидан белгиланган тартиб, меъёрлар бор. Уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади.

дейди вилоят ҳоқими ўринбосари – туризм ва спорт бош бoshқармаси бошлиғи Р.Қобилов. – Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 23 февралдаги 4999-сонли қароридан ҳам Самарқанд вилояти ҳоқимлигига ЮНЕСКО томонидан ҳимояга олинган буфер ва ҳимоя зоналарининг чегаралари тўғрисида ахборот берувчи кўрсаткичларни ўрнатиш вазифаси юқлатилган эди. Ана шу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда Самарқанд шаҳрида 55 та харита кўрсаткичлари ўрнатилди. Уларда буфер ва ҳимоя зоналарининг чегаралари белгиланган харита, ҳудудда жойлашган тарихий бино ва иншоотлар, яқин атрофдаги обидалар ҳақида маълумотлар жойлаштирилган. Шунингдек, ҳар бир ахборот-кўрсаткичда QR-код мавжуд ва у орқали объект тўғрисида маълумот олиш мумкин.

Яна бир янгилик – шаҳарнинг йўлбарслар хиёбонида соҳибқирон Амир Темур Самарқандда бунёд этган боғлари ҳақида маълумот берувчи лавҳалар ўрнатилди. Ўзбек, рус ва инглиз тилида ёзилган бу маълумотлар орқали маҳаллий ва хорижий сайёҳлар буюк жаҳонгирнинг боғ яратиш санъати бўйича қимматли маълумотларга эга бўлади.

Эслатиб ўтамиз, ЮНЕСКО раҳбари Одри Азуле хонимнинг 2019 йилда Самарқандда ўтказилган "Маданий меросни асраш ҳафталиги" тадбирига ташрифи доирасида шаҳарда ЮНЕСКО ҳимоясидаги ҳудуд ва тимсол сифатида "Қора тош" ўрнатилган эди.

Б.МУСТАНОВ
олган суратлар.



– Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги "Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан "Самарқанд шаҳрининг ЮНЕСКО ҳимоясидаги тарихий қисми буфер ва кўриқланувчи ҳудудда видеокузатув камералари, объект тўғрисида маълумот, ҳудуд харитаси, ҳимоя зонасида ташриф буюрувчиларнинг мажбуриятлари, ушбу қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида маълумот, шу жумладан QR-код орқали топиш имкониятини берадиган маълумотларни интернетга жойлаштириш, ахборот бурчақларини ўрнатиш бўйича топшириқлар берилган, –



КАФТАРХОНАда бунёдкорлик ишлар бошланди

Вилоят ҳоқими Самарқанд шаҳридаги "Кафтархона" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, ҳудудда амалга оширилиши кутилаётган ишларни вилоятдаги мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилди.

Бугунги кунда маҳалладаги 756 хонадонда 3,5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Вилоят ҳоқимлиги ишчи гуруҳи бир неча кун давомида маҳалладаги муаммоларни ўрганди. Муаммолар асосан электр энергияси, ичимлик суви ва йўл билан боғлиқ бўлди.

Жумладан, иккита янги трансформатор ўрнатиш, коммуникация тармоқларини тартибга солиш, 1900 метр ичимлик сув ва канализация тармоқларини ўрнатиш, Оби Машҳад канали атрофини ободонлаштириш зарур.

– Ўрганиш давомида аниқланган муаммоларнинг бирортаси эътибордан четда қолмайди, – деди вилоят ҳоқими. – Ҳар бир масаланинг ечими бор, вазифани бажарадиган мутасаддилар аниқ.

Ҳар бир белгиланган ишларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишида. Маҳаллани обод қилишга қарор қилдикми, буни сидқидилдан, виждонан бажаришимиз керак. Ҳудуддаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари Кафтархона маҳалласи аҳли турмуш тарзида сезилиши, уларнинг ҳаётини ўзгартириши зарур.

Ҳоқимнинг маҳалладаги ёрдамчиси 6-оилавий поликлиниканинг "Кафтархона" филиали биносини реконструкция қилиш зарурлигини билдирди ва бионинг ҳолати жойига бориб ўрганилди. Шунингдек, давлат-хусусий шериклиги асосида битта мактабгача таълим ташкилоти қуриш зарурлиги таъкидланди.

Маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси Садриддин Айний ва Панжикент кўча-

лари кесимасидаги чорраҳада эрталаб ва кечқурун автомобиллар тирбандлиги юзига келаётгани сабабли куннинг ушбу вақтларида бу ерда ҳаракатни тартибга солиш зарурлигини билдирди. Шунингдек, Панжикент ва Оби Машҳад кўчалари чорраҳасида ўрнатилган кузатув камераларини вилоят ИИБнинг ситуацион марказига улаш масаласида муаммолар бўлаётганлиги айтилди. Ушбу масалалар юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Э.Турдимов маҳалладаги уй-жойга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг яшаш шароити билан танишиш ва уларга зарур ёрдам кўрсатилиши белгиланди. Ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари жараёнида маҳалла фуқаролар йиғини биноси ҳам таъмирланадиган бўлди.

Кафтархона маҳалласидаги қуриш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини жорий йилнинг биринчи ярми охирига қадар якунлаш бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

Ҳа, шундай. Судланаётганларнинг ҳаммаси ҳам озодликдан маҳрум этилма-япти, уларнинг барчаси жиноятчи эмас. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, суд органларининг чинакам адолат кўрғонига айланиб бораётгани туфайли, суд залидан озод қилиш, судланувчини оқлаш каби амалиётлар баладпарвоз гап эмас, ҳаётда ўз ифодасини топмоқда.

49 Судлар ўтган йил кишини оқлади

Самарқанд вилоят судлари томонидан 2021 йил давомида одил судловни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўлишида амалга оширилган ишларга бағишланган брифингда шу ҳақда сўз юритилди.

Вилоят суди раиси О.Ҳайитовнинг таъкидлашича, ҳисобот даврида вилоят, туман ва шаҳар жиноят ишлари бўйича судлари томонидан 4966 нафар шахсга нисбатан 3909 та жиноят ишлари кўриб тамомланган. Жумладан, 2898 та иш бўйича 3794 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилди, 997 та иш тугатилди. 3613 нафар судланганларнинг 932 нафарига озодликдан маҳрум қилиш, 1285 нафарига озодликдан чеклаш, 1007 нафарига ахлоқ туза-тиш ишлари тайинланган. Йил судлар томонидан кўрилган жиноят ишлари бўйича 489 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод қилинди. Вилоят судларининг барча инстанцияларида 29 та жиноят иши бўйича 49 нафар шахс оқланди. 964 та жиноят иши тарафларнинг ярашганликлари муносабати билан тугатилди, 1091 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Ички ишлар органлари пробация хизмати тақдиминомалари асосида қилинишидан чин кўн-гилдан пушаймон бўлган, ўзига тегишли хулоса чиқарган, жазони ўташ даврида тузалаш йўлига қатъий ўтиб, тартиб-интизомга қатъий риоя қилган намунали хулқ-атвордаги 2498 нафар шахс жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 530 нафар шахснинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилди.

– Бу рақамлар судда кўрилган барча ишлар бўйича албатта, жазо тайинланади деган қарарлар бугун эскирганлигини кўрсатади, – деди О.Ҳайитов. – Бу кейинги беш йилда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижаси. Қолаверса, 2021 йилдан "бир суд – бир инстанция" тамойили асосида вилоят судлари ташкил этилгани, ишларни қабул қилиш ва кўриб чиқишда бир қатор енгилликлар

яратилгани ҳам аҳолининг судларга ишончини оширди, судьяларнинг тўла мустақил иш олиб боришига имконият яратди.

Брифингда қайд этилишича, 2021 йилда судлар томонидан 26769 нафар шахсга нисбатан 22466 та маъмурий ишлар кўрилиб, қарор чиқарилган. Жумладан, 21648 нафар шахсга жарима жазоси, 273 нафар шахсга нисбатан махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш, 4848 нафар шахсга маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Маъмурий ишлари бўйича 41 миллиард 77 миллион сўм жарима жазоси тайинланиб, 23 миллиард 376 миллион сўми ихтиёрий тўланишига эришилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман ва шаҳар судлари биринчи инстанциясида 38236 та фуқаролик иши кўрилиб, 29745 та даъво қаноатланган. 4371 та даъво рад қилинди ва 2840 та ариза кўрмасдан қолдирилди.

Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ 6942 та фуқаролик ишининг 3616 таси қаноатланган бўлса, 2617 та даъво рад этилди.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати ҳамда шаҳар, туманлараро иқтисодий судлари томонидан 13692 та иқтисодий ишлар мазмунан кўрилиб ҳал этилган. Шундан 12033 та даъво қаноатланган, 1341 та даъво рад қилинган, 184 та даъво ариза кўрмасдан қолдирилган. Кўрилган ишлар сони 2020 йилга нисбатан 5942 тага кўпайган.

Вилоят маъмурий суди раиси Т.Файзиёвнинг ахборотида келтирилишича, вилоят ҳамда туманлараро маъмурий судлари томонидан 2021 йилда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 1148 та маъмурий иш кўриб тамомланган. Тамомланган маъмурий ишларнинг 360 таси қаноатланган, 585 таси рад этилган ва 108 таси иш юритишдан тугатилган. Йил давомида давлат органлари, корхона ва ташкилотлар томонидан йўл қўйилган қонун бузилишларини бартараф этиш мақсадида 68 та хусусий ажрим чиқарилди.

Брифинг якунида суд раислари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

НАЖОТ ДАФТАРИ

Ҳар қандай давлат, жамиятнинг маданий даражаси аёлга бўлган ҳурмат ва эътибор билан ўлчанади. Бу шунчаки айтилган, баландпарвоз гап эмас. Бу – давлат сиёсатининг бир йўналиши, жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва роли қанчалик муҳимлигига ишора. Гендер тенглик масаласи, "Аёллар дафтари" деган тушунча ҳам ана шу сиёсат самараси. Бу масала давлат раҳбарининг доимий эътиборида. Доимий муҳокама этиладиган мавзулар қаторида туради.

Президентимиз ташаббуси билан ўтган йил юртимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида маҳалларда "Аёллар дафтари" шакллантирилди. Бу дафтарларни шакллантириш, хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси бош-қош бўлди. Ишчи гуруҳлар тузилиб, уйма-уй юриш орқали хотин-қизларнинг масалаларини ўрганди. Шу асосида тегишли дастурлар ишлаб чиқиб, муаммоларни ҳал этишга киришилди. Айни пайтда эса учинчи босқичда "Аёллар дафтари"ни шакллантириш устида иш олиб борилмоқда.

Бу борада вилоятимизда амалга оширилган ишлар ҳақида Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси вилоят кенгаши раиси **Сухроб РАФИҚОВ** билан суҳбатладик.

(Давоми 2-саҳифада) >>>



МИЛЛИЙ МАТБУОТ фидойиси хотирланди

Самарқанд вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида Маҳмудхўжа Бехбудий таваллутининг 147 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда профессор-ўқитувчилар, бехбудийшунос изланувчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Дастлаб иштирокчилар Маҳмудхўжа Бехбудий бюсти пойига

гуллар қўйди. Сўнгра "Бехбудий – миллий маърифат раҳнамоси" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил қилинди.

Унда буюк маърифатпарварнинг эвараси Зарруҳ Бехбудий, таниқли олимлар Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти, авлодларга қолдирган бой маънавий мероси ҳақида гапирди.

Тадбир якунида иштирокчилар Бехбудий уй-музейида бўлишди. **Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.**

Муносабат

Электр узатиш тармоғини кўчириш ер эгаси ҳисобидан амалга оширилади

"Зарафшон" газетасининг жорий йил 15 январдаги 5-сонида "Электр тармоқларининг эгаси ким?" сарлаҳали мақола эълон қилинди.

Унда Самарқанд тумани Обод турмуш маҳалласидаги 45-уй ховлиси ўртасидан юқори қучланили ҳаво электр узатиш тармоғи ўтганлиги, уни девор орқасига кўчириб беришларини сўраб электр тармоқлари идораларига, туман ҳоқимлигига мурожаат қилингани, ammo натижа бўлмаётгани баён қилинган.

Самарқанд тумани электр таъминоти корхонаси бошлиғи берган маълумотларга кўра, тумандаги Обод турмуш маҳалласида яшовчи фуқаро Бурхон Хўжақулловнинг 2021 йил 28 августдаги мурожаатига асосан, унга 264-сонли жавоб хати юборилган. Мазкур жавоб хатида фуқаронинг ховлисида ўтган юқори қучланили ҳаво электр узатиш тармоғи туман электр таъминоти корхонаси балансида эмаслиги, ушбу электр тармоғи "Agromuz" ишлаб чиқариш корхонаси балансида эканлиги, уни бошқа жойга кўчириш электр таъминоти корхонаси ваколатига кирмаслиги ҳақида маълумот берилган.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги "Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори 31-бандига асосан, электр тармоғи хўжалиги объектларини қайта қуриш ва кўчириш электр тармоғи хўжалиги объектлари эгалари билан келишилган техник шартлар бўйича, ишларни бажарувчилар, асосий қурилишни ёки ишни амалга оширувчи ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер эгалари ҳисобидан амалга оширилади.

"Самарқанд ҲЭТК" АЖ матбуот хизмати.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

– Биздаги сингари хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини марказлаштирилган ҳолда ташкил этиш тажрибаси дунёнинг биронта мамлакатда бўлмаса керак, – дейди С.Рафиков. – Шахсан мен миллионлаб аёлларнинг дарду ташвишлари билан қизиқиб, уларнинг хонадонига кириб, яшаш шароити кам-кўсини ўрганадиган давлат ҳақида эшитмаганман. Ёрдамга муҳтож аёлларни алоҳида дафтарга киритиб, оғирини енгил қилиш ҳақида қайғурмайди. Бу борада Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга, том маънода, ўртак, намуна бўлмоқда.

Бугун аёллар муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича 2021 йилдаги амалиётимизда 81 мингдан ортиқ 30 ёшдан юқори хотин-қизга амалий ёрдамлар кўрсатилди. Уй-жойга эга бўлмаган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган ёки бемор аёллар, боқувчисини йўқотган оилалар бекалари, ҳаётда тўғри йўлдан адашган охирақлар, қўйинги, юртимиздаги ҳар бир аёлдан ҳол-аҳвол сўралиб, муаммоси бўлса, ҳал этишга кўмаклашилди.

“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб номланган 2022 йилнинг илк кунлариданоқ “Аёллар дафтари”нинг учинчи босқичини амалга оширишдек муҳим вазифа

НАЖОТ ДАФТАРИ

белгилаб олиниб, худудларда рўйхатни шакллантириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу гал “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг тоифаларига ўзгартириш киритилди. Эндиликда эҳтиёжманд хотин-қизлар 6 йўналишда аниқланади. Яъни, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз хотин-қизлар, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган, боқувчисини йўқотган эҳтиёжмандлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аёллар, нотураж жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган ҳамда қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлардир.

Шунингдек, эндиликда дафтарга киритилган барча хотин-қизларга амалий ёрдам бериш ишларини мониторинг қилиб бориш мақсадида “Индивидуал аналитика”ни юритиш тартиби кучайтирилади. Хусусан, Индивидуал аналитикаларда ҳар бир хотин-қизнинг барча маълумот-

лари ва қайси тоифага киритилганлиги ҳамда унга ким, қачон ва қандай ёрдам бериши аниқ ёзилади. Бу аналитика тўғрисида, шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлиmlлари томонидан юритилади.

– **Ўтган йил “Аёллар дафтари”га киритилган ва белгиланган тартибда ижтимоий, моддий кўмак берилган, ammo ҳозир ҳам муаммоси мавжуд хотин-қизлар учинчи босқичда рўйхатга киритиладими?**

– Тўғри, шундай ҳолатлар ҳам кузатилмақда. Биринчи ва иккинчи “дафтар”да қайд этилиб, белгиланган тартибда доимий иш ўрни билан таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлган, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган хотин-қизлар учинчи босқичда рўйхатга олинмайди. Бошқа тоифадагилар рўйхатга олиниб, уларга зарур ёрдам кўрсатилади.

Дастлабки таҳлилларимизга кўра, бу гал вилоятимизда 731 мингга яқин 30 ёшдан юқори хотин-қизлар билан юзма-юз суҳбат ўтказилиб, анкета-сўровномадан тўлдирилади ва энг оғир аҳволда бўлган тахминан 70 мингга яқин опа-сингилларимиз “Аёллар дафтари”га кири-

тилиши кутилмоқда.

– **Рўйхатни шакллантиришда кимлар иштирок этмоқда?**

– Бунга асосан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси томонидан бириктирилган 22 нафар масъул ходим ва тармоқ қасаба уюшмалари тўғрисида ва шаҳар кенгашларининг 64 нафар раислари масъул этиб белгиланган. Албатта, бу борада маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқарма ва бўлиmlлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ишланган.

Жараённинг қандай бораётгани республика ишчи гуруҳининг, Федерациямиз раиси Қ.Рафиковнинг доимий эътиборида. Ҳар кунлик ишимиз таҳлил этиб борилмоқда.

Шунингдек, хатлов жараёнларини сифатли амалга ошириш масаласи вилоят ҳокимлиги томонидан тегишли бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, тўғри ва шаҳар ҳокимлари ўрин-босарлари иштирокида муҳокама этиб борилмоқда. Бу ҳақда вилоят Кенгаши депутатларига маълумот бериб, хатлов жараёнларини сифатли амалга ошириш ва “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда

жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда улардан ёрдам сўрадик.


Ҳозирда вилоятимиздаги 1120 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳар бирида 8 нафардан иборат ишчи гуруҳлар хатлов жараёнларини олиб бормоқда ва уларни ишларини мувофиқлаштириш бўйича тўғри ва шаҳарларда штаблар фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Шу пайтгача уйма-уй юриш орқали 500 мингга яқин аёлнинг муаммолари, эҳтиёжлари анкета-сўровномалари асосида хатловдан ўтказилди.

Келинг, гапим қуруқ бўлмасин, айрим мисолларни келтирсам. Нуробод туманидаги Сарой маҳалласида истиқомат қилаётган Х.Абдурахимова турмуш ўртоғи ногирон бўлсада ўзи ишлаб, рўзгорини гулдек қилиб ўтирар экан. Қарамоғидаги кекса қайнота ва қайнонаси ҳам ҳамхўрлик қилади. Аммо Холиданинг кенжа фарзанди хаста туғилган, тўғма юрак нуқсонига эга. Бир аёлнинг тоғгани, югуриб-елгани 7 жонни боқибдан ортмайди. Ишчи гуруҳ ўрганишидан сўнг, Холида “дафтар”га киритилиб, фарзандининг жарроҳлик амалиёти учун маблағ ажратилиши белгиланди.

Хонадонна-хонадон юриш орқали хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ишлари олиб борилган, “Аёллар дафтари”нинг учинчи босқич рўйхати шакллантирилиб, индивидуал аналитикалар тўлдирилади. Шундан сўнг рўйхатлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳаси халқ депутатлари тўғрисида (шаҳар) кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ғолиб ҲАСАНОВ суҳбатлашди.



СУБСИДИЯ: янги тартибда нималар ўзгарди?

Субсидия имконият. Яъни қайтарилмайдиган маблағ шаклида давлат томонидан кўрсатиладиган кўмак. Кўпинча маблағ кўринишида берилади ёки ажратилади. Бу маблағ ҳисобидан кимдир тадбиркорлигини ривожлантириши, солиқлардан чегирма, божхона имтиёзларига эга бўлиши, қишлоқ хўжалик фаолиятини ташкил этиши, ишлаб чиқариш ускуналари ёки уй-жой харид қилишда кредит тўловларда енгилликларга эга бўлиши мумкин. Бизда фуқаролар учун бу ва бошқа турдаги субсидияларнинг барчаси қўлла-нилмоқда. Келинг, шу ўринда эҳтиёжманд фуқаролар учун ажратиладиган уй-жойларга бериладиган субсидияни таҳлил қилиб кўрамиз.

Вилоят молия бош бошқармаси маълумотларига кўра, 2021 йилда вилоятимизда давлат эҳтиёжлари учун галла ва пахта хомашёси этиштирувчи, балансида насос агрегатлари ва сўғориш қудуқлари бўлган фермер хўжаликларига истеъмол қилинган электр энергия харажатлари учун республика бюджетидан 29,9 миллиард сўм субсидия йўналтирилган. Нодавлат мактабгача таълим ва давлат тусий шериклик асосида мактабгача таълим таъхсилотларига 175,1 миллиард сўм ва фуқароларга уй-жой олишлари учун бошланғич тўлов сифатида 34,7 миллиард сўм ҳамда кредитнинг 10 фоиздан ортиқ қисмини тўлаш учун 29,2 миллиард сўм субсидия маблағи ажратилган.

Президентимизнинг 2021 йил 11 мартда имзоланган “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосан даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга субсидиялар ажратилади. Демак, субсидия – даромади юқори бўлмаган шахсларга ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олишлари учун бошланғич бадал ёки кредит фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида ариза берувчининг рўйхатдан ўтган ҳудуди бўйича давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ.

– Бунда қишлоқ жойларда биринчи 5 йилда ипотека кредити бўйича фоиз тўловлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10 фоизлик пунктдан ошган қисми бюджет маблағларидан қопланади. Шаҳарларда эса дастлабки бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун уй-жой қийматининг 10 фоизи миқдорида маблағ тўланади. Уй-жой учун бошланғич тўловнинг 10 фоизи давлат бюджетидан қопланади ва 5 фоизини фуқаро тўлайди.

Субсидия Тошкент шаҳрида биринчи 5 йилда кредитнинг 12 фоиздан ошган қисмини, вилоятлар шаҳарларида 10 фоиздан ошган қисмини қоплаш учун тўлашни белгиланган. Бу турдаги субсидиялар уй-жой ша-

роитини яхшилашга муҳтож оилаларга, оғир ижтимоий ҳолатдаги хотин-қизларга, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол ёшларга ва шу тоифадаги Ўзбекистон фуқароларига ажратилади. Оддийроқ қилиб айтганда, уй-жойи йўқ кам даромадли фуқароларнинг уй-жойга эга бўлишлари имконияти яратилади. Аммо айрим ҳолларда ҳақиқий уй-жойга муҳтожлар турли сабабларга кўра “субсидия шартларини бажаролмагани” ҳам кузатилади.

Мисол учун, 2021 йилда ажратиладиган субсидиялар масаласида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги фуқароларга субсидия ажратиш комиссияси масъулининг газетамизга берган интервьюсида йиллик даромади 36 миллиондан 58 миллион сўмгача бўлган фуқарога субсидия ажратиш имкони борлигини маълум қилганди. Лекин 40 миллион сўм йиллик даромадга эга аризачилар ҳам банк томонидан тўлов қобилиятига эга эмас, деган ваз билан рад этилган ҳолатлар кузатилади. Тўғри, бунда инсон омили аралашмаган ҳолда балл берилади, лекин ўша тизимни ҳам инсонлар бошқаради. Натижада аҳоли орасида уй-жойи бўлса-да, айрим устамонлар турли йўللار билан яна арзон уйга эга бўлди, деган гаплар учради. Паст Даргом туманида бу тизимни ҳаққоний ўтказиш учун ижтимоий тармоқда субсидия ажратилган фуқароларнинг номлари эълон қилинди. Кузатувчилар томонидан рўйхатдагиларнинг қай бирида уй-жой мавжуд бўлса хабар бериш орқали рўйхатдан чиқарилди. Шу тажрибани Самарқанд шаҳрида ҳам қўллашга нима тўсқинлик қилди? Яна бюджет маблағининг тўғри сарфланиши, қанча кам даромадли фуқаро уйи бўлгани ҳақидаги маълумотлар ҳам ойдинлашарди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг 2021 йил 17 декабрь куни вилоят ахлига мурожаатномасида қайд этилишича, вилоятимизда 22 941 та уй-жойга талаб мавжуд. 2021 йилда эса вилоят бўйича 8557 хонадондан иборат 167 та кўп қаватли уй қурилган. Ипотека дастури асосида қурилган 3744 хонадонли 104 та кўп қаватли уйнинг 2236 та хонадони субсидияли ҳисобланади. Чин етим ва ота-она қарамоғи-

Имтиёз ва имконият

дан маҳрум бўлган 99 нафар бола уй-жой билан таъминланди.

Марказий банк вилоят бош бошқармаси маълумотларига кўра, 2021 йилда 1112 фуқарога субсидия асосида уй-жой харид қилиш учун 33 миллиард 310 миллион сўм бошланғич бадал маблағи тўлаб берилган ва уларга тижорат банклари томонидан 282 миллиард 700 миллион сўм ипотека кредитлари ажратилган.

Режага асосан 2022 йилда 5 минг хонадонли 139 та кўп қаватли уй қурилади ва хонадонларнинг 4500 таси субсидия асосида берилади. Рақамларга қарайдиган бўлсак, 3400 хонадон учун 153 миллиард сўм субсидия маблағи ажратиш кўзда тутилган, яна қўшимча мингта хонадон учун 45 миллиард сўм ажратилади. Бунинг натижасида 20 мингдан ортиқ аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи қондирилади.

– 2021 йилда Самарқанд шаҳри бўйича 1452 та хонадон учун субсидия ажратилди, – дейди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги мутахассиси Аслиддин Бадилов. – Ўтган йилги тартибда уй-жойга эҳтиёжи бор фуқарога 309 миллион сўмгача субсидия маблағи ажратилган. Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосан 327 миллион сўмгача субсидия маблағи ажратиш белгиланган. Ўтган йилги тартибда фуқаронинг даромади 30–58 миллионгача бўлиши кўрсатилган бўлса, Президентимизнинг юқоридаги фармони асосан ариза берувчиларнинг йиллик даромади 30 миллиондан 78 миллион сўмгача бўлган субсидия ажратишга асос бўлади. Фармонда келтирилган яна бир янгилик фуқароларга ипотека кредитини олишда биргаликда қарз олувчи сифатида улар билан бирга яшамайдиган ва яқин қариндош бўлмаган бошқа шахслар ҳам кафил сифатида жалб этилиши мумкин. Даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга давлат бюджетидан субсидиялар тўлашда квартира майдонининг энг кўп меъёрини белгилаш амалиёти бекор қилинди.

Субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олган шахслар ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг уй-жой қийматининг камида 5 фоизига тенг бўлган қисмини ўз маблағлари ҳисобидан шакллантиради. Сотиб олинмаган квартира жойлашувчи, қиймати ва майдонидан қатъи назар, дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдорига, фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — биринчи беш йил давомида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади.

Фармонга асосан 2022 йилда вилоят бўйича 4 мингта квартира ва 500 та яқка тартибда уй-жой сотиб олиш учун кредитлар ажратилади. Шундан Самарқанд шаҳрида 916 хонадон учун субсидия маблағи ажратилади.

Яна бир муҳим жиҳат субсидия шаҳар массивидаги тайёр таъмирланган хонадонларга ажратилади. Эндиликда Самарқанд шаҳрининг бир нечта ҳудудида шундай массивлар қурилаётгани ва тайёр ҳолда топширилишини инобатга оладиган бўлсак, эҳтиёжмандлар бошқа массивдан ҳам субсидия асосида уй-жой харид қилишлари мумкин бўлди.

Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси маълумотларига кўра, ҳозиргача субсидия асосида уй-жой сотиб олиш учун фуқаролар томонидан 1832 та ариза тушган. Аризаларнинг 984 таси давлат хизматлари марказлари орқали, 848 таси онлайн равишда топширилган. 19 январь ҳолатига кўра ариза берувчилар сони 3 мингдан ортиқни ташкил этмоқда.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Зарафшон» муҳбири.

Бир рақам шарҳи

Давлат идоралари ва маъмурий хизматлар тарихий марказдан янги ҳудуд, яъни Гулобод қўرғонига кўчирилиши белгиланмоқда.

Ҳозирда шаҳар таркибида 5 та, яъни Сиёб, Мароқанд, Суғдиёна, Боғишамол ва Қорасув туманларини ташкил этиш бўйича тақлифлар илгари сурилмоқда.

Қўлидан келадиган ишга қараб ёрдам бердик

«Аёллар дафтари» жуда кенг қамровли. Бу рўйхатга чуқур ўрганиб, хулоса қилинган, муаммолари кўп, ўттиз ёшдан ошган аёллар киритилиши белгиланган. Бу каби эътибордан ҳеч бир аёл четда қолмайди. Айтайлик, бир аёлнинг оилавий шароити яхши, ammo саломатлигида жиддий муаммо бор. Давола-нишга имкон тополмайди. Ёки бошқа бирининг иши, машғулотли бору уй-жойга эга эмас. Хуллас, бу усул билан аёлларни нафақат иш билан таъминлаш, балки уларга психологик, тиббий, ҳуқуқий ёрдам бериш вазифаси қўйилган.



«Темир дафтар»га моддий ва молиявий томондан қий-налаётган, ишсиз ва бошқа муаммолари бор оилалар жамланади. «Аёллар дафтари»га эса яқка-ёлғиз, ёрдамга муҳтож, ўттиз ёшдан ошган ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар киритилади. Ўтган йил давомида махсус ишчи гуруҳлар томонидан хонадонна-хонадон юриш орқали тумандаги 27528 нафар хотин-қизнинг муаммолари ўрганилди. Биринчи босқичда 911 нафар, иккинчи босқичда эса 1773 нафар хотин-қиз 9 та йўналиш бўйича “Аёллар дафтари”га киритилди. Тумандаги Нурбулоқ, Шарқ юлдузи, Жом маҳаллаларида ушбу дафтарга киритилганлар сони кўпчилиги ҳудудда 30 ёшдан ошган хотин-қизлар кўпчилиги билан боғлиқ.

“Аёллар дафтари”га киритилган ишсиз хотин-қизлар Самарқанд шаҳридаги тикувчилик цехига, тумандаги ишлаб чиқариш корхоналарида ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, ишлаш имкони бўлмаган хотин-қизларни ўзини ўзи банд қилиш усулида, субсидия асосида турил хил асбоб-ускуналари берилиб, бандлиги таъминланди.

Касб-хунарга ўқиш иста-гида бўлган аёллар тикувчи-лик, пишириқлар пиширишга ўқитилди. Шунингдек, 4 нафар хотин-қиз Тошкент шаҳридаги мономарказ-да ўқитилиб, уларга енгил конструкцияли гўзаллик салонлари ўрнатиб берилди. Масалан, Нурбулоқда яшовчи Алиса Саидбекова мономар-казда ўқиғача, унга шундай имконият яратилди. У ҳозир дафтарда рўйхатда турган қизларга соч турмақлашни ўргатмоқда. Тикувчиликни ўрганган аёлларга сертифи-кат ҳамда тикув машиналари ажратилиб, бандлиги таъмин-ланди. Мисол учун, Халқобод маҳалласида яшовчи Манзона Арзқулова ҳамда Сазоғонда яшовчи Сожид Раҳмоновага бир нечтадан тикув машина-лари ажратилиб, кооператив шаклида иш ўринлари ташкил этилди. Ушбу иш ўринлари ҳам дафтарда рўйхатда тур-ганлар учун. Томорқасидан унумли фойдаланиш мақса-ди бўлган хотин-қизларга тегишли ёрдам кўрсатилди, иссиқхоналар қуриб берилди.

Ногиронлиги бор, боқув-чисини йўқотган эҳтиёжманд аёллар ҳамда қарамоғида но-гиронлиги бўлган хотин-қиз-

ларга бир марталик моддий ёрдам пуллари тарқатилди. Уй-жойни таъмирлашга муҳтож 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизларга туман сектор раҳбарлари томонидан қурилиш материаллари бе-рилди ва уй-жойи таъмирлан-ди. Нотураж жойларда истиқо-мат қилаётган хотин-қизларга ижара шартномалари асосида ижара пуллари тўлаб берил-ди. Шунингдек, бир нафар аёлга ҳомийлар томонидан Самарқанд шаҳридан бепул уй-жой ажратилди.

Гарчи ёрдамлар аниқ, ман-зилли кўрсатилган бўлса-да, кези келганда айтиб ўтишни жоиз деб биламан, фаолияти-мизда мазкур масалада ўзига тўқ, ховли-жойи, етарлича мулки ва даромади бўлату-риб, ёрдам талаб қилганларни учратдик. Лекин давлат-нинг ҳар бир сўмини адолат тамойиллари асосида, зарур ҳужжатлар билан эҳтисса ет-казишга масъул эканимиз, уни жой-жойига сарфлаш доимий эътиборимизда бўлди.

Гулмира МАҲАММАДИЕВА, Нуробод туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувват-лаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари.

ҚОЗОҒИСТОНДА

➤ **Сиёсий шарх**



НИМА ГАПЛАР?

Қозоғистондаги кейинги ҳодисаларни кузатар экан, киши ёдига кўп воқеалар келади. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўртаси, аниқроғи, 1986 йил 26 апрелда, вайронкор Тошкент zilzilасига роппа-роса 20 йил тўлган куни собиқ СССР деб номланмиш салтанатда яна бир вайронкор ҳалокат рўй берди. Инженер-техникларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида, Чернобиль атом электр станциясидаги ядро жини кўзасидан чиқиб кетди. Портлаган реактордан қанақа даҳшатли ҳарорат ажралиб чиққанини ҳис қилишингиз учун қуйидаги манзарани кўз олиндиғизга келтирамиз. Тасаввур қилинг: атом ёнғинини махсус тайёрланган золдирлар билан ўчириш мақсадиде, реактор устига ҳарбий вертолёт учиб келди ва золдирларни ташлаш учун бир муддат туриб қолди. Бир неча тонналик тикучоқ 2-3 сония ичида худди шам устидаги мумдек эриб, атом жаҳаннами ичига қулаб тушди. Буни камералар тарих унутмаслиги учун кино тасмаларига абадий муҳрлаб қўйди.

Собиқ СССРнинг парчаланиб кетишида кимдир Михаил Горбачёвни, кимдир Борис Ельцинни, яна кимдир ҳар иккаласини айблайди. Аммо гапнинг холисини айтганидан бўлса, қизил империя инқирози аввало, афғон уруши тўғрисида бошланган бўлса, Чернобиль ҳалокати иккинчи сабаб бўлди. Империя таназзули ҳақида гап кетар экан, унинг кўпчилик эътибор бермайдиган ҳал қилувчи учинчи сабабини ҳам ёдга олиб қўйиш жоиз. Бу омил СССРнинг илдизига болта урди. Чунки ўша даврда коммунистик салтанат тарғиботчилари иттифоқда империалистик миллатчиликка барҳам берилиб, ягона қардош совет халқи шаклангани ҳақида дунёга доврў ёрди. Бунга узоқ вақт улкан давлатни турли миллатга мансуб раҳбарлар бошқарганини ёрқин мисол қилиб кўрсатарди. Владимир Лениндан кейин совет давлатига бошчилик қилган Иосиф Сталин ва Никита Хрущёв бири грузин, иккинчиси украин бўлиб, рус миллатига мансуб эмасдилар. Бу эса шўро байналмиллатчилигининг ёрқин намунаси сифатида талқин этиларди. Ҳақиқатан ҳам, шўро салтанатида халқлар ўртасида азалдан мавжуд бўлган миллатчилик иллатига тамоман бўлмаса-да, нисбатан барҳам берилганди. Совет ташвиқот воеалари томонидан ҳам халқлар ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва ўзаро интернационал никоҳлар кенг тарғиб қилинарди. Бироқ, 1986 йил охирида Геннадий Колбининг Қозоғистон ССР Коммунистик партиясининг Биринчи секретари этиб тайинланиши мутлақо қутилмаган оқибатни келтириб чиқарди. Миллий ўзлигини таний бошлаган маҳаллий ёшлар қозоғистонлик бўлмаган амалдорнинг республикага хўжайин бўлишига қарши исён кўтаришди. Намойишга чиққан оломон бебошлигини кучишлар тизимлар томонидан тинчлантиришга уринишлар натижа бермагач, ўточар қуроллар ишга солинди ва оқибатда ўнлаб намойишчилар ҳалок бўлди. Шундай қилиб, Совет Қозоғистони тарихида биринчи қонли саҳифа очилди. Собиқ СССР ҳудудларида миллатчилик ва айирмачиликнинг авж олиб кетишида Олмаотадаги 1986 йил декабрь воқеалари хамиртуруш вазифасини бажарди десак, хато бўлмас.

1989 йилда Ғарбий Қозоғистонда яна бир нотинчлик ўчоғи пайдо бўлди. Кавказ миллатига мансуб ватандошларнинг зўравонлигини ҳазм қилолмаган маҳаллий аҳоли яна ғалаён қилди. Бу гал чечен, ингуш ва бошқа миллатга мансуб оилалар ўз тарихий ватанларига кўчиб кетишга мажбур бўлдилар.

Қозоғистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шаклланди. Республика раҳбарлари томонидан жорий этилган очиқ

эшиклар сиёсати натижасида мамлакатга хориж инвестициялари оқиб келди. Айниқса, ёнлиғи-энергетика соҳаси гуркираб ривожлана бошлади. Нефть ва газдан келаётган мўмай даромад қисқа вақт ичида Қозоғистонни ривожланаётган давлатлар қаторига киритиб қўйди. Ўша йилларда Қозоғистонга бориб ишлаш кўпгина ватандошларимизнинг орзусига айлангани ёдимда. Шу ўринда бундан ўн йиллар бурунги бир воқеа эсимга тушади. Ўшанда биз ургутлик ўқитувчилар Паст Дарғом далаларига пахта теришга сафарбар қилингандик. Эътибор қилсам, далаларда барчаси хашарчилар. Шунда фермер бободан қишлоқдаги моҳир теримчи аёллар ҳақида сўрадим. Маълум бўлишича, улар Жетисойга пахта тергани кетишган экан. Чунки ўша пайтларда бир кило пахта учун ўзимизда 200 сўм бериларди. Қозоғистонда эса теримнинг нархи килосига минг сўм экан. Бир кунда 50-100 минг сўм пул ишлаб топиш ўша йилларда яхши даромад ҳисобланарди.

Янги иқтисодий сиёсат натижасида мамлакат ғарбиде ёнлиғи-энергетика соноати гуркираб ривожланди. Қозоғистонлик ишсиз ёшлар янги шаҳарларга оқиб кела бошлади. Маълумки, ишчилар аҳолининг бошқа қатламларига нисбатан билимлироқ ва фаолроқ бўлади. Ҳаётдаги адолатсизликлардан ҳафсаласи пир бўлган Жана Озен шаҳридаги ёш-яланлар 2011 йилда яна тўпалон қилиб чиқди. Бу гал улар мамлакатда коррупция ва олоқликнинг, ижтимоий тенгсизликнинг кучайиб кетмаётганидан норози бўлишди. Маълумлар уларнинг бир неча талабларини қондирган бўлиб, ашаддийларини олиб қамоққа ташладилар. Аммо бу билан республикадаги сунистемолчиликларга барҳам берилмади. Аксинча, Назарбоев шахсига сизини кучайиб, порахўрлик ва очкўзлик янада авж олди. Натижа ўзини узоқ куттирмади. 2022 йил 2 январь куни халқ яна кўзгалди. Сўюлтирилган газнинг икки баравар қимматлашганига қарши бошланган халқ ғалаёни сиёсий талаблар илгари сурилган кўзғолонга айланиб кетди. Айниқса, Олмаота шаҳридаги вазият ғоят мушкуллашиб, ҳукукни ҳимоя қилувчи тизимлар воқеаларни назорат қилолмай қолди. Уларнинг куч-салохиятидан шубҳаланган ҳукумат вазиятни ўнглаш учун хориждан ҳарбий ёрдам сўраша мажбур бўлди. Энг ёмони: президент Қосим-Жўмарт Тўқаев кўзғолончиларга қарши ўқотар қуроллардан фойдаланишга буйруқ берди. Оқибатда икки юздан зиёд одам қурбон бўлди. Ўртада 20 мингдан ортиқ қуролланган бандитлар ким эканлиги, агар бандитлар бўлса, ички қўшинлар нега уларга қарши турмаганлиги, қаттиқ қўрикланадиган идораларга ва аэропортга кўзғолончилар нега осонгина кириб боришгани,

Қозоғистон хавфсизлик кенгаши раиси Нурсултон Назарбоевнинг кейинги тақдирини нима бўлганлиги ҳақидаги кўплаб саволлар ҳануз ўз жавобини қутиб ётибди. Янги президент Тўқаев хориж аскарлари ёрдамида ҳокимиятни қўлида сақлаб қолган бўлса-да, келажакда ушбу қалтис саволларга тўлиқ жавоб беришига тўғри келади.

Шу ўринда яна бир жўяли савол пайдо бўлади. Қирғизистон ва Арманистон ички нотинч вазиятни тузатиш мақсадида Москвадан ёрдам сўраганида буни рад этган Владимир Путин Қозоғистонга қўшин киритишига нега дарҳол рози бўлди? Бунда бизнинг фикримизча, учта муҳим омил сабаб бўлди.

Биринчидан дунё ҳамжамиятига Россиянинг ҳали ҳам дунё тақдирига таъсир ўтказадиган кучли давлат эканлигини кўрсатиб қўйиш.

Иккинчидан, АҚШ президенти билан бўладиган тарихий музокаралар арафасида Ғарбдаги рақибликка руҳий босим ўтказиш.

Учинчидан, шу баҳонада таъсир доирасидан аста-секин чиқиб кетаётган Қозоғистонни яна қайтадан Россия сиёсий орбитасига тортиб, илоҳи бўлса ҳарбий қўшинларни ўша ерда жойлаштириш.

Қозоғистондаги бугунги вазият шунини кўрсатаётгани, юқоридаги учта муҳим мақсадлардан бирортасига ҳам эришилмади. Қайтага, Россиянинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан янада заифлашгани кўриниб қолди. Ғарб давлатлари билан бўлган музокараларда Украина ва Грузия эркинлигини чеклаш масаласида Россия томони АҚШдан қатъий рад жавобини олди. Катта шов-шув билан олиб қирилган КХШТ десант қўшинлари қандай тезлик билан қиртилган бўлса, шундай тезлик билан олиб чиқиб кетилди.

Буларнинг бариси шунини кўрсатмоқдаки, собиқ шўро ҳудудларида Москвадан таъсир қайтарилмас даражада заифлашиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, минтақада Россиядан ташқари АҚШ, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Япония, Эрон сингари янги йирик ўйинчилар пайдо бўлди ва улар Марказий Осиё мамлакатлари билан тенг ҳамкорлик асосида муносабатларга киришмоқда. Биргина Хитой минтақа давлатларини ва Россиянинг ўзини ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзига чамбарчас боғлаб олди. Бу мамлакатлар аллақачон Хитойнинг катта тайёр маҳсулотлар бозори ва бой хом ашё омборига айланиб улгурди. Шу маънода, қуйидаги маълумотни мақолаимизга илова қилиш мумкин: бугунги кунда Россия учун Қозоғистон ташқи савдо айланмаси арзимаган кичик фойзаларни ташкил қилади.

Бултур "Валдай" сиёсий-иқтисодий таҳлил маркази анжуманида Қозоғистон президенти Қосим Жўмарт Тўқаев: "Бундан бунён ў ёки бу давлат нуфуси атом қуроллари қуввати билан ўлчанмайди ва энди ҳар бир мамлакат иқтисодий соҳада ўз кучини намойён қилиши лозим", деган мазмунда гапирганида, Владимир Путин унга Садам Ҳусайн тақдирини мисол келтириб кескин эътироз билдирган эди. Қозоғистондаги кейинги воқеалар президент Тўқаевнинг бу борада ҳақ эканлигини яна бир марта тасдиқлади.

Худойберди КОМИЛОВ, сиёсий шарҳловчи.

Ўзимизнинг Мамат ака

Маматқул Бахронов соҳа аини қийин аҳволда қолган бир пайтда, яъни 2003 йил Самарқанд шаҳридаги «Шарқ юлдузи» кинотеатрида раҳбар сифатида иш бошлади. Унга қадар турли соҳаларда фаолият кўрсатган бўлса-да кинони ривожлантириш, кинотеатрни одамларнинг сеvimли масканига айлантириш учун бор куч-ғайратини аямади. Унинг бевосита раҳбарлигида оддий, кўримсиз кинотеатрнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, аҳолига кино хизматларини кўрсатишни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Орадан кўп муддат ўтмай кинотеатр киносаройга айланди ва республикамизда ўз ўрнига эга бўлди.



Кинотеатрда тарихий фильмлар намойишларини ташкил этиш учун ретро зали барпо этилди, 10 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Аҳоли, айниқса, ўқувчи-ёшларни кинога кенг жалб этиш борасида кўчма кинозаллар ташкил этилди. Кинотеатрда ҳар йили 5-6 та янги фильмларнинг тақдимотлари ва фильм ижодкорлари билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Масканде ўтган йиллар давомида Германия, Хитой, Туркия, Корея, Польша, Беларусь, Молдавия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Эрон ва Европа давлатларининг кино кунлари муваффақиятли ўтказилди. Элликдан ортиқ янги фильмлар премьераси ташкил этилди. 2021 йил Президентимиз ташаббуси билан қайта ташкил этилган Тошкент халқаро кинофестивалида қатнашган Россия, Ҳиндистон, Франция, Италия, Миср, Эрон ва бошқа давлатларнинг кино кунлари «Шарқ юлдузи» кино саройида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Кино санъати ҳамиятдаги маданий ҳаётнинг бир қисми сифатида шакланган экан, соҳанинг ривожини ўз-ўзидан яхши кинолар ишланшига боғлиқ эмас.

Уни замонавий кинозалларда, катта экранларда намойиш этиш, томошбин маданияти ҳам бевосита соҳа ривожининг таркибий қисmidир. Шу нуқтаи назардан Маматқул Бахроновнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари маданий ҳаётимиз ривожига хизмат қилмоқда. У киши раҳбарлигида кинотеатр аҳоли ва ёшлар учун ҳақиқий дам олиш маскани сифатида фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги кўкрак нишонини билан тақдирланиши ҳам унинг шу хизматлари натижасидир.

Кино соҳаси жонкуяри, ажойиб дўст Маматқул Бахронов тўрт нафар фарзандни вояга етказган ота ва 9 нафар неваранинг босиб сифатида бугун қутлур 60 ёшни қарши олмақда. Биз, дўстлари Маматқул акани муборак ёши билан қутлаган ҳолда у кишига узоқ умр, мустақам соғлиқ, келгуси ишларида омад тилаймиз.

Фармон РОЗИҚОВ.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳридаги «STARS ACADEMY SAMARKAND» нодавлат таълим муассасаси (СТИР: 308901185) ўз номини «UNIT SCHOOL» нодавлат таълим муассасасига ўзгартирмоқда. «UNIT SCHOOL» нодавлат таълим муассасаси «STARS ACADEMY SAMARKAND» нодавлат таълим муассасасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вори ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Бозорова кўчаси, 2-уй.

Самарқанд шаҳридаги «NEGMATOV AZAMAT» оилавий корхонаси (СТИР: 3079222381) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «NEGMATOV AZAMAT» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда. «NEGMATOV AZAMAT» масъулияти чекланган жамияти «NEGMATOV AZAMAT» оилавий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вори ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Термиз кўчаси, 63-уй.

Ургут туманидаги «URGUT ASIA» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305361275) ўз устав фонди миқдорини 386 231 668 (уч юз саксон олти миллион икки юз ўттиз бир минг олти юз олтишми саккиз) сўмдан 179 500 000 (бир юз етмиш тўққиз миллион беш юз минг) сўм миқдорга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут тумани Дўстлик маҳалласи Навой шохкўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан

шўғулланувчи нотариус Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Ахмедов Зокирға (2018 йил 25 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Ҳақимова Игорға Ҳикматовна нотариал идорасида марҳум Бекметова Гульнара Вильдановнаға (2014 йил 28 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Ҳақимова Игорға Ҳикматовна нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирбеғим кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Андреева Саняя Калимуловнаға (1997 йил 23 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Раҳмонов Сарвар Нейматиллоевич нотариал идорасида марҳум Абдуалиев Комилжон Гулямовичға (2021 йил 27 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Раҳмонов Сарвар Нейматиллоевич нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 60-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Алоян Людмила Саркисовнаға (2003 йил 6 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Бахромова Феруза Заировна нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Санакулов Хосилаға (2018 йил 14 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Абдуғаппаров Каримға (2021 йил 15 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносиде.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Исмоилова Хурбўвига (2021 йил 27 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Намозова Иззат Мусаевнаға (2013 йил 20 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига муурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тойлоқ туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Муқаддасова Фарангиз Рустамовна номига берилган О R-SH № 1061676 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 21-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Хамраев Меҳрут Тура Уғли номига берилган UM № 0522901 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Абдуллаева Фарангиз Рахматуллоевна номига берилган U № 1865485 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Кўшработ педагогика коллежидан 2014 йилда Жўракулова Хумора Равшановна номига берилган K № 3219505 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд таянч тиббий коллежидан 2020 йилда Шомирзаева Зарина Шавкат қизи номига берилган рўйхат рақами 1051, K № 5888539 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд иқтисодий коллежидан 2012 йилда Сайфиқдинов Ербек Раҳимжон ўғли номига берилган рўйхат рақами 4225, K № 2511355 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


Паст Дарғом хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежидан 2019 йилда Расулбердиев Бунёд Мўхтор ўғли номига берилган рўйхат рақами 88, K № 5593505 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ!

«Зарафшон» газетасининг 2022 йил 18 январь 6-сон 3-саҳифасида «БЕКОР ҚИЛИНАДИ» сарлавҳаси остида Самарқанд туманидаги 10-ихтисослаштирилган давлат умумий ўрта таълим мактабининг гербли думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилган. Мўхр топилганлиги сабабли ушбу эълон ҳақиқий ҳисобланмайди.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги жамоаси Паст Дарғом тумани ҳокими Шунқор Худойбердиевға онаси **Ўғиллой аянинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясининг Самарқанд вилоят кенгаши ҳамда барча тармоқ қасаба уюшма кенгашлари жамоалари Паст Дарғом тумани ҳокими Шунқор Худойбердиевға онаси **Ўғиллой ая МАМАТҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.



БЕҲБУДИЙ АҚШ президенти билан нега учрашолмаган?

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

МУФТИЙНИ КИМ ҚЎЛГА ТУШИРДИ?
Бу пайтга келиб, Хива хонлиги ва Бухоро амириликдан ташқари, Ўрта Осиёнинг катта қисмини забт этган большевиклар, хусусан, уларнинг айқоқчилик маҳкамаси (ВЧК) кенг тармоқ отиб улгурганди. ВЧК аксилайғоқчилик тармоғи орқали Версал конференциясида большевикларга қарши кураш масаласи муҳокама этилишидан, унда большевикларнинг ичкаридаги муҳолифатчилари иштирок этишидан боғабар бўлганди. Шундай экан, қайсидир муҳолиф киши ёки гуруҳнинг четга чиқиши қандайдир йўллар билан Версал конференциясига боришидан дарак берарди. Ўша вақтда Туркистон ичида «босмачилар»дан ташқари, бош муҳолифат лидери, табиийки, муфтий Беҳбудий бўлиб, унинг 1919 йил февралда Тошкентга келиб, вазият билан танишиб кетгани ҳам ВЧКга маълум бўлган.

Кўп ўтмай, Самарқандга қайтиб келган Беҳбудийнинг у ерда туркиёлик Наим афанди билан учрашгани ҳақидаги хабар тезда уларга етиб боради. Бундай вазиятда эса кузатув остидаги Беҳбудий уйда кўринмай қолди. Шунинг ўзиёқ ён-атрофдан муфтийнинг дарагини излаш ишлари олиб борилишига сабаб бўлди. Тошкентдаги большевиклар ВЧКсига Русиянинг Бухородаги элчихонаси ходими Уткин Беҳбудийнинг Бухорога келганини кўрган одамлар борлиги ҳақида хабар беради. Муфтийнинг яна бир муҳолифи амир Сайид Олимхондан уни тутишда фойдаланиш маъқуллиги эса тезда энг мақбул вариант сифатида танланади.

Бундан олдинроқ большевиклар Беҳбудийнинг амир билан рақиблигини билиб, муфтийдан Олимхонни кулатишда фойдаланишни ҳам ўйлагандилар. Бироқ Беҳбудийнинг нафақат амир билан, балки большевиклар билан ҳам муроасага боролмаслиги аён бўлганди. Шундай экан, уни амир қўли билан гумдон қилиш энг осон йўл эди. Беҳбудийнинг Самарқанддан пинҳона чет элга чиққанидан огоҳ бўлган, бундан қўлай пайт сифатида фойдаландилар. Яъни, олдинга чор оҳранкаси, эндиликда эса ВЧК айғоқчиси бўлган Уткин Бухородаги қизил Русия элчихонаси ходими сифатида амир билан тезда боғланиб, Беҳбудийнинг Бухорога келиб, «ёш бухороликлар» билан учрашгани, бу ердан Олимхонга қарши куч тўпламоқ мақсадида хорижга кетаётганини шипшитган. Бу эса Беҳбудийни шундоғам жини суймайдиган амир учун қўлай имконият бўлди. Боз устига, муфтий амирлик ҳудудидан экан, шу тарзда большевиклар амир қўли билан Беҳбудийнинг изига

тушди.
Оқибатда 1919 йил апрелида Шахрисабзга етиб борган Беҳбудий ва унинг уч ҳамроҳи амир буйруғига кўра қамоққа олинади. Бу ҳақидаги хабар 1919 йилнинг 23 апрелида «Меҳнатқашлар товуши» газетасида чоп этилиб, муфтий «Бухоро тупроғидан ўтаётганларида турк муаллими Наим Афанди ила Қарши шаҳри беги тарафидан қўлга олинди, зиндонга ташлангани» айтиб ўтилганди. Большевикча матбуот цензураси томонидан тайёрланган бу хабар орқали гўёки Беҳбудий амир буйруғига кўра, Тоғайбек томонидан зиндонга солингани, яъни муфтийнинг халқ орасида обрў қозонганини билатуриб, халқда-ям амирга қарши кайфиятни кучайтириб, ўзларини оқ қилиб кўрсатмоқчи бўлгандилар.

ЗИНДОНДАГИ РАҲМДИЛ ЖАЛЛОД
Муфтийнинг ҳамроҳи бўлмиш Наим афандини Қарши шаҳри беги "Туркия билан муносабатларни ёмонлаштирмай", дея қўйиб юборади. Беҳбудий, Мардонқул ва Муҳаммадуқуллар эса Қарши шаҳрига олиб келиниб, шахсан Тоғайбек томонидан зиндонда қийноқ ва азорларга солинади. Обрў-эътиборли муфтийнинг қийноққа солинишидан, ҳатто бекнинг жаллоди Аҳмад ваҳимага тушиб, Тоғайбекдан муфтийни озод қилишни ўтиниб сўрайди. Бекдан буни илтимос қилишининг сабаби, улар муфтийнинг зиндондан қилганларида, Беҳбудий уларга махфий сафарларини яшириб, ҳажга кетаётганимиз, деб айтган эди. Шу йўл билан у мусулмон бек ва жаллодларнинг қўлидан озод бўлишни ўйлаганди.

Аммо Тоғайбек муфтийга қарата: «Сизлар жадид ва кофир-дирсиз, Бухорога, жаноби олийга тиф тортган сизнинг маслақдошингиз эмасилар эди? Сизларни ўлдурмоқ керак. Сизлар културмоқ учун Байтуллоҳга бормоқни баҳона этиб кўрсатасиз», дейди. Ҳатто муфтийнинг тарафини олган жаллод Аҳмаднинг ҳам калтаклатиб, сўнг ўлимга ҳукм қилади. Беҳбудий ва унинг ҳамроҳларини эса «Наука и просвещение» журналининг 1922 йил 1-сонидаги ҳожи Муиннинг мақоласидаги фикрларга кўра, «ўзлари учун қабр қазибга мажбур эдилар ва шу қабр ёнида уларни бўғизлаб, шу ерга қўмадилар».

Шу тариқа 1919 йил июнь ойининг бошларида Қарши шаҳрида буюк маърифатпарвар муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий 44 ёшида фожиали қатл қилинди. Гарчи, Беҳбудий шахид бўлса-да истиқлолга интилган аждодимиз сифатида тарихда қолди ва қолажақ.

Умид БЕКМУҲАММАД.

Таниқли ёзувчи ва олим Хуршид Дўстмуҳаммад 1951 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Дастлабки китоби - «Ховли этагидаги уй» 1989 йилда чоп этилган. Шундан кейин ёзувчининг «Паноҳ», «Оромкурси», «Сўроқ», «Соф ўзбекча қотиллик», «Маҳзун», «Ибн Муғанний», «Ёлғизим - Сиз», «Кўз қорачиғидаги уй», «Жажман» каби асарлари нашрдан чиққан.

– Мени анчадан бери бир нарсга ўйлантириб келади – адабий дид масаласи. Асар фақат хос ўқувчилар учун ёзиладиган бўлса, кўпчилик ўқимайди. Агар асар омма дидига мослаштирилса, у ҳолда "хос"лар омма даражасига тушиб қолади. Хўш, унда нима қилиш керак?

– Бу оғир ва мураккаб, кўпдан буюн ечимини топмаётган савол. Мен ечим топиб бераман деб даъво қилмайман, албатта. Лекин ҳулосам шуки, ёза бошлаганимдан буюн одамлар оммадан "хос"га айланиб боради, деб ҳисоблар эдим. Лекин на омма ўзгарди, на "хос". "Хос"ни омма даражасига тушириб бўлмайди, оммани "хос" даражасига кўтариб бўлмайди. Бу ҳолат фақат ўзбек адабиёти, ўзбек китобхонларига хос эмас. Жуда кўп хориж мамлакатларида бўлганман. Кутубхоналарга, китоб дўконларига кириб суҳбатлашганман. Ўша ерларда ҳам хос адабиётни ўқийдиган қавм ниҳоятда оз. Лекин савол туғилади, бу асарларни омма тушунадиган қилиб ёзиш керакми? Даражани нима белгилайди? Буни аниқлаш қийин, қўлида қалами деб ёзувчи ҳам банд, ўзи ўйлаганича, иқтидорича, феълдан келиб чиқиб ёзади. Мен бир мураккаб асар ёзиб кўяй деб ёзмайди. Масалан, ўзим бир неча бор ҳаракат қилганман жуда оммабоп қилиб ёзганман деб. Менда қизиқарли воқеалар кам бўлади. Ташқи воқеалардан кўра ички руҳий воқеаларга берилиб кетаман. Ички руҳий таҳлилга берилган жараёнда омма ўқишдан зерика бошлайди. Мен яхши кўрадим Достоевский "Воқеалар тугаб, ана шу воқеалар ҳақида иштироблар бошланадиган жойда бадиий адабиёт бошланади", деган. Афсус, мен ўзимда мана шу ақидага мойиллик сезаман. Кўпгина асарларимизда бадиий асар бошланадиган жойда асар тугайди, воқеа тугайди. "Жиноят ва жазо"ни ҳаммамиз ўқиганмиз. Бир талаба йигит боши айланиб, гангиз икки аёлни ўлдириб қўйди. Энди ёстиқда китоб шу қотилликнинг мулоҳазасига бағишланган. "Тўғри қилдимми? Нотўғри қилдимми? Мен ҳақиқи? Бошқалар ҳақиқи?". Ана шу саволга асарнинг охиригача жавоб излайди. Иштироб чекади, қайғу чекади. Лекин асарда саволга тугал жавоб чиқмайди, асар тугайди. "Жиноят ва жазо"ни қўйиб турайлик, "Ўтган кунлар" романи кенг омманинг асарини ёки хос китобхонлариникими? "Ўтган кунлар"ни, "Жиноят ва жазо"ни кенг омма ҳам, хослар ҳам қизиқиб ўқийди. Эҳтимол, уларнинг буюклиги мана шунда бўлса керак.

“КИТОБНИ АНГЛАБ, ТУШУНИБ МУТОЛАА ҚИЛИШ ЛОЗИМ”

Хуршид Дўстмуҳаммад билан суҳбат

– Бугунги мутлола борасида фикрингиз қандай? Китобликдан кўнглингиз тўладими?

– Китобхонлик шахсий иш, лекин китобхон кўпайса халқнинг сифат даражаси ўзгаради. Китоб кўп чиқяпти, тарқалаяпти, сотилапти, ўқилапти, лекин кўнглим тўлди деб айтишга тил бормайди. Бутун жаҳонда оммабоп, энгил тушуниладиган китоблар жуда кўп. Миллион-миллион нусхада энгил ўқиладиган асарлар ёзиб, миллионер бўлиб юрган ёзувчилар кам эмас. Ана шу энгил ўқиладиган асарларнинг ҳам оғир юкини ҳис қилиб ўқиб тарафдориман ва мураккаб деб ҳисобланадиган асарлар оммалашувини жуда-жуда истаيمان.

– Сизнингча, санъат қачон маънавий дунёни ўлдиршига, хароб қилишига хизмат қилади?

– Санъат ҳаёт, кайфият, руҳ бахш этади ва айни вақтда ўлдирди. Санъатнинг таъсир кучи ниҳоятда катта, чекли йўқ. Санъат дейдиган бўлсак, қанчаси сизга жон бағишлайди, қанчаси жонингизга азоб беради. Мисол учун, кимдир жонини бериб қайта-қайта ўн марта лаб эшитадиган қўшигини мен бир марта ҳам охиригача тингламайман. Унга мусиқа басталаганига, шуни қўшиқ қилиб айтганига, радиога, телевизорда қўётганига ақл бовар қилмайди. Ва шуни жон-жон деб эшитадиган одамлар борлиги мени ажаблантиради. Ақлимга сиғдирилмайман. Нима бу ўзи? На мусиқа бор, на сўз бор, на ижро бор. Нима бўлди? Одамларимизнинг диди шунчалик пасайиб кетдими?

Ҳатто анчагина машҳур бастакорларимизнинг мусиқасини тингланг, тепа сочингиз тикка бўлади. Ўлдиргани шуда! Менинг дидимни ҳақорат қилаяпти. Уларни катта-катта пул эвазига тўйга айтаман, концертга бораемиз. Беш минг одам концертга кириб ўтиради. У ерда айрилган йигирма-ўттизта қўшиқдан нечтаси чинакам эстетик заъв берадиган қўшиқ? Қизлар, йигитлар тинмасдан рақсга тушади. Кечирасизу, бу қандай томоша!?

Зулайҳо Бойхонованинг айрим қўшиқларини тинглайман. Эркин Воҳидовнинг "Бир қадам" номли шеърига Абдуҳошим Исмоилов мусиқа басталаган. Савол туғилади: бизда ҳеч замонда "Мен томонга бир қадам қўй!" деб қиз бола йигитга айтадими? Йигит қизга айтиши мумкин. Эркин ака жуда бир нозик лутф қилган. Зулайҳо Бойхонова эса жонини жабборга бериб, "Бир қадам, бир қадам"лаб оламни бошига кўтарди. Қани бу ерда дид, қани эстетика, қани гўзаллик?!?

– Ёзувчи бўлиб шаклланишигизда биринчи ёзганларингиз ҳам матбуотда эълон қилинганими?

– Табиий, ҳаваскордан ёзувчиға ёки шойирға айланиш осон кўчмайди. Бу қийинчилик чиғирғидан ўтиш ма-шаққатини бошдан кечирганман. Газета ё журналда бирор ҳикоям чоп этилар-



микан, деган орзу тушларимга кириб чиқарди.

Мен бешинчи-олтинчи синфда ўқиган кезларимдан кундалик тутганман. Учрашувларда талабаларга кўп айтаман, ана шу кундалик тутиш ёзувчиликка ўргатади. Дастлабки ҳикоям «Фан ва турмуш», «Гулистон» журналларида эълон қилинган. У пайтларда нафақат ҳикоя, бир кичкина мақола чиқса ҳам одамлар ўқир эди. Ёзилган икки энгил ахбороти ҳам ўқиб телефонда табрик-лашарди. Мен шу вақтгача очғини айтадиган бўлсам ўзимни тилимдан қониқиш ҳосил қилмайман. Эркин Аъзамга ўхшаган, Назар Эшонқулга ўхшаган тилим жуда ўйноқи деб айтмайман. Мен тошкентликман дедимку, вилоятда яшаган ўртоқларимга ҳавасим келади.

Шеваларни жуда яхши кўраман. Лекин ўзим Бухоро шеваси билан Хоразм шевасини аралаштириб юбораман. Мана шу нарсалар ёзганимда ҳамон сезилади. Дастлабки «Киева кўёши» ҳикоямни Эркин Аъзам тахрир қилиб берган. Жуда жиддий тахрирдан кейин "Гулистон" журналикда чоп қилинган. Асқад Мухтор даври эди, жуда овоза бўлиб кетган. «Шарқ юлдузи»га иккита ҳикояни қўлтиқлаб йиллар давомида қатнаганман. Устозларимиз ўқиб беришмасди. Бўшашиб бориб, бўшашиб келаварар эдим. Ўн марта лаб қайта ёзганман, барибир чиқараман, деганман. Маъқул эмас, деб ёзиб берилган ёзувларни ҳозиргача сақлайман.

– Депутатлик ижодингизга таъсир қилмаётганими?

– Мутлақо! Депутатлик қайсидир маънода вақтни олиши, чалғитиши бор гап, лекин энг катта ёзувчи учун мутлақо қўтилмаган имконият бу! Ҳаётни ичдан кузатасиз, турфа одамларни, характерларни кўрасиз. Деярли, ҳар куни битта ёки иккита мурожаат билан танишасиз. Дард-ҳасратларни тинглаб ўтириб, хаёл қоचाди: ҳаёт, турмуш, одамлар, дунёқарашлар, муносабатлар, орзу-ҳаваслар – ҳамма-ҳаммаси нақадар галаги, нақадар аламли... Озгина нафим тегса, бошим осмонга етади, удасидан чиқмасам, иштироб чекаман. Депутат сифатида эмас, ёзувчи сифатида иштироб чека бошлайман.

– Бугунги кунда яхши адабиётшунослар етишмаётганлиги ҳақида қандай фикрдасиз?

– Адабиётшуно мунаққидларимиз бадиий тафаккур нима эканлигини қайсидир асарлар, шеърлар мисолида тушунтириб бермоқликлари керак. Бунинг учун, аввало, уларнинг ўзлари тушуниб олишлари лозим. Бизда энг катта муаммо бадиий асарни талқин қилиш маҳоратига бориб тақалади. Тушуниш, талқин қилиш ва бошқаларга тушунтириб бериш. Бу ҳам мураккаб, оддий иш эмас. Хабар бериш бор. Айримлари кўп ёзишади. Раҳмат ёзишгани учун. Образ ундай, образ бундай дейди образнинг ичига кирмайди. Адабиётшуно образнинг ичига кириб уни тушунтириб бериш керак. Бадиий асарға ўзи муҳаббат қўйиши ва бошқаларни ҳам муҳаббат қўймоққа ўргатиши керак. Бадиий асарға, китобга, романга, ҳикояга, қиссга муҳаббат уйғотишининг ўзи катта вазифа ҳисобланади. Минг афсуски, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди бу. Адабиётшунослик – адабиётга муҳаббат дегани.

– Ёш ёзувчи, шoirлар тақлидга ўрганиб қолмайдими?

– Тақлид қилмаган ёзувчи, шoir йўқ. Ҳамма тақлид қилган. Тақлидни ҳам бошлаб қилиш керак. Кўчирмаслик керак. Уч марта тақлид қилиб ёзса, тўртинчи марта тақлид қилмайди. Лекин бизда машҳур бўлган ёзувчиларимиз бор. Қаерлардадир сюжетларни ўқийди, киноларда кўришади ва уни ҳикояга айлантиришади. Ваҳоланки, кимдан олганини ўқиган одам билади. Майли, қандини урсин, бошлабди. Бизда ўқимаган ўқувчилар учун янгилик бўлади, лекин шундай қолиб кетиш керакмас. Бу плагиатлик (ўғирлик) ҳисобланади. Лекин бошқа бирор асарга ишора қилиш бошқа масала. Мен масалан, «Донишманд Сизиф» романини ёзишда кўплаб бошқа асарлардан иқтибос олдим, яширмайман, уларни очик-ойдин кўрсатаман ҳам. Ўғирлаб олганим йўқ. Фойдаландим. Ўрни келганда, ҳамма "сир"ни очаман.

– Сизни киносценарист сифатида ҳам билимиз. Шу маънода бугунги кундаги киносценарийлардан кўнглингиз тўладими? Нега экранларимизда миллий менталитетимизга мос фильмлар яратилмапти?

– Очигини айтсам, фильмларимиздан кўнглим тўлмайди. Жуда танлаб-танлаб кўраман. Ўша фильмларни беш дақиқа кўрсангиз, камчилигини билиб оласиз ва давомини кўргингиз келмайди. Мен жуда камдан-кам ўзбек фильмларини кўраман. Қониқиш ҳосил қилмайман. «Келинлар кўзгалони», «Маҳаллада дув-дув гап»лар-чи, дейишингиз мумкин. Инкор қилмайман, илло бу икки фильм ўзбек киночилигининг эталони бўлиб қолади! «Ўтган кунлар»нинг дастлабки вараиди кенгроқ қилиб, яна бир соат қўшиб ишланганида эди, ҳақиқий фильм бўлар эди. Ҳозиргиси ҳам фақуллода фильм эмас, яхши фильм, холос. Али Ҳамроевнинг бир фильми бор, номи – «Инсон қушлар ортидан боради». Ажойиб фильм. Шунақа фильмлар ёқади.

Назаримда ўзбекона тафаккур тарзи экран тафаккурига мос тушмаётгандек. Ўзбек миллий адабий тафаккури билан экран тили тили топшимаяпти. Қандайдир тил топилмиш нуктаси "қўлга тушмаяпти". Янги фильмлар бор. Маъқул, дейсизу, ичингизнинг аллақери хижил бўлиб туради...

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ суҳбатлашди.

Челақдаги кутубхонада: Қаҳва ичиб, китоб ўқиймиз!

– Биз яшайдиган қишлоқ Пайариқ шаҳарчасига яқинроқ, – дейди меҳнат фаҳрийси Муҳаббат Намозова. – Ўқитувчиликдан нафақага чиққанман. Ўзим, фарзандларим ва невараларим учун китоб керак бўлса Пайариқдаги кутубхонага борамиз. Яқинда Челақ шаҳарчасида ҳам ахборот кутубхона маркази очилди. Бу ерда бўлганимда марказ китобхонлар билан гавжум эмаслигига гувоҳ бўлдим.

Ўйлаб қолдим: Пайариқдаги кутубхонага қатновчилар бир мунча кўп. Нега замонавий маърифат марказида ўқувчилар кам? Яна бир гап, Пайариқдаги ошоналарда хўрандалар каму Челақ шаҳарчасидаги емакхоналар одамлар билан гавжум. Қизиғи, бу ердаги кафе, рестороанларда пайариқликларни ҳам "нозик" меҳмонлари билан бирга учратишингиз мумкин. Пайариқдагига нисбатан Челақдаги ошоналарда

шароитлар замонавий, таомлар ҳам, хизмат кўрсатиш ҳам сифатлироқ бўлса керак-да.

Ҳа, қанийди, одамлар кутубхоналарнинг ҳам замонавийларини танлаб, узоқ йўл босиб бориб, китоб ўқиса...

– Челақ шаҳри марказида яқинда фойдаланишга топширилган замонавий маърифат маскани Халқ банки хомийлигида бунёд этилди, – дейди ахборот

кутубхона маркази раҳбари Шоқир Болиев. – Икки қаватли бинонинг қурилиши учун 4 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ҳозирча кутубхонамизга 2 мингдан зиёд бадиий адабиёт келтирилди. Яна 5 мингдан ортқ китоб берилиши режалаштирилган. Марказимизга китобхонларимизни кенгроқ жалб қилиш учун зарур шароит яратилмоқда. Аъзоларимиз китобларни уйига олиб кетиш билан бир қаторда шу ернинг ўзида мутлола қилиши учун ҳам барча қўлайликлар мавжуд. Шунингдек, уларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида кафе-барлар ташкил этилган. Худди замонавий шаҳарлардаги "Book-kafe"ларда ўтиргандек қаҳва ичиб, мутлола қилиш имконияти мавжуд.

Мамлакатимизда кутубхоналар фаолиятини ривожлантириш учун берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, ушбу марказда пуллик компьютер хизматлари кўрсатиш, китоб савдоси ҳам йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

MATBUOT UYI
Zarafshon
САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi
Bosh muharrir: Farmon TOSHEV
Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 22 007 nusxada chop etildi. Buyurtma 47. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV.
Navbatchi: X.ERNAZAROVA.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.
Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling
Soatda narxi kelishilgan holda

